

ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИДАН ХАЛҚАРО АКАДЕМИЯ САРИ

ОТ ИСЛАМСКОГО УНИВЕРСИТЕТА К МЕЖДУНАРОДНОЙ АКАДЕМИИ

FROM THE ISLAMIC UNIVERSITY TO THE INTERNATIONAL ACADEMY

Калит сўзлар: университет, Гекадем, академия, Ренессанс, Байт ал-ҳикма, Мажлис ал-уламо, Ислом ҳамкорлик ташиклоти, илмий мактаблар.

Ключевые слова: университет, Гекадем, академия, Ренессанс, Дом мудрости, Маджлис ал-уламо, Организация исламского сотрудничества, научные школы.

Key words: University, Hekadem, academy, Renaissance, House of wisdom, Majlis al-ulama, Organization of Islamic Cooperation, scientific schools.

Пролог

1999 йили мамлакатимизда давлат таълим муассасаси мақомига эга илк ислом олий ўқув юрти – Тошкент ислом университети таъсис этилган эди. Салкам йигирма йил фаолият кўрсатган ушбу олий таълим муассасасини битирган исломшунос мутахассислар бугун халқ хўжалигининг турли соҳаларида самарали меҳнат қилмоқдалар. Ушбу маънода айтиш мумкинки, мазкур таълим муассасаси ўзининг ҳаётий ролини муваффақиятли адо этди. Бироқ миллий-маънавий ўзлгимизнинг ўзак ўқларидан бирини ташкил этадиган ислом таълимотига асосланган диний тафаккурнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни мустаҳкамланиб борган сари у билан боғлиқ фанларнинг билимдонлари ҳамда илмий тадқиқотларга бўлган эҳтиёж ҳам мунтазам ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуси билан 2018 йили Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг таъсис этилиши ана шу ҳаётий заруратнинг амалга оширилишига кенг йўл очиб берган умуммиллий аҳамиятга молик тадбир бўлди. Шу муносабат билан академия университетдан нималар билан фарқланади деган мантиқий савол туғилиши табиий ҳолдир.

Тарихга назар

Милоддан аввалги 380 йилда Платон (Афлотун) томонидан асос солинган фалсафий мактаб дунёдаги илк академия саналади. Ушбу муассаса-

га нисбатан «академия» атамасининг қўлланиши афсонавий юнон қаҳрамони Академ ёки Гекадем¹ номи билан боғлиқ деган тушунча мавжуд. Платон академиясида кенг кўламли тадқиқотлар ва ўқитиш ишлари олиб борилган. Уларнинг энг муҳимлари теология, фалсафа, математика, астрономия ва табиий фанлар билан боғлиқ бўлган. Ўз моҳиятига кўра диний-фалсафий ва аниқ фанлар билан боғлиқ йўналишларни ўзида мужассам этган ҳамда баҳс-мулоқотни ўқитишнинг асосий услуби қилиб белгиланган ушбу академия милодий 529 йилгача фаолият кўрсатган.

Европадаги Уйғониш (Ренессанс) даврида (XV–XVI асрлар) Платон академияси Италиянинг Кареджи шаҳрида қайта тузилган ва 1459–1521 йиллар давомида самарали фаолият юритган. 1603 йилда эса, Римда сиртлонкўзликлар («илмий нигоҳи ўткир» деган маънода) академиясига асос солинган бўлиб, айнан мазкур муассаса бугунги академияларнинг прототиби бўлиб хизмат қилган.

Қадимги Шарқда ҳам академиялар фаолият юритган. Улардан бири – милодий V аср бошларида Хузистонда (Дизфул шаҳри, бугунги Эроннинг жануби-ғарбий ҳудуди) тузилган академия қадимият, Юнон ва Рим илм-фани ва маданиятини ўрганишга қўшган ҳиссаси, аниққса, тиббиёт йўналишидаги тадқиқотлари билан шўҳрат қозонган.

Мусулмон Шарқи тарихида ҳам оламшумул аҳамият касб этган академиялар мавжуд бўлган. Уларнинг энг эътиборлилари қаторига Бағдодда фаолият кўрсатган «Байт ал-ҳикма» («Донишмандлик уйи», VIII аср), Хоразмдаги «Мажлис ал-уламо» (Маъмун академияси, XI аср), Табриз академияси (Эрон, XIII аср) ҳамда фаолият кўлами ва эришган ютуқлари маҳобатига кўра том маънодаги академия мақомига кўтарилган Самарқанддаги Улўбек мактаб-обсерваториясини (XV аср) киритиш мумкин.

Бугунги ҳолат

Бугунги кунда дунёда фаолият кўрсатаётган академиялар асосан икки гуруҳга бўлинади: соф илмий тадқиқот ишларини амалга оширувчи ва мувофиқлаштирувчи муассаса сифатида фаоли-

¹ Академ (Экадем ёки Гекадем) қадимги юнон қаҳрамонларидан бири бўлиб, у Афина яқинидаги ҳудудлардан бирида ўзи томонидан яратилган зайтунзор боғда дафн этилган. Платон ва унинг шогирдлари айнан шу ерда тўпланиб, турли илмий-фалсафий муаммолар бўйича баҳс-мулоқотлар ўтказиб туришган. Ана шундай мунозаралар жараёнида шаклланган илмий мактаб кейинчалик «академия» номини олган.

Мақола «академия» деган тушунчанинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари ҳамда Тошкент ислом университетида Ўзбекистон халқаро ислом академиясигача бўлган эволюцион йўлнинг қисқача тавсифига бағишланган.

Статья посвящена краткому рассмотрению возникновения понятия «академия» и этапы ее развития, а также эволюционный путь от Ташкентского исламского университета к Международной исламской академии Узбекистана.

The article is devoted to a brief review of the emergence of the concept of «academy» and the stages of its development, as well as the evolutionary path from the Tashkent Islamic University to the International Islamic Academy of Uzbekistan.

ят кўрсатувчи академиялар, шунингдек, ҳам олий ўқув, ҳам илмий тадқиқотлар муассасаси вазифасини бажарувчи академиялар. Академик тузилмалар тараққиёти билан боғлиқ янги трендга мувофиқ, охириги пайтларда тегишли йўналишлардаги илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланиш ва уларни мувофиқлаштириш ҳамда ўзи ҳам олий малакали академик мутахассисларни тайёрлаш ишида бево-сита иштирок этаётган янги типдаги академиялар алоҳида аҳамият касб этиб бормоқда.

Академиялар фаолият соҳасига мансублик белгиси бўйича тармоқ академиялари шаклида ҳам тузилиши мумкин. Бундай воқелик, жумладан, шўро даври учун хос бўлган. Ўша пайтда умумий профили фанлар академияларидан ташқари, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, архитектура ва санъат, таълим ва бошқа тармоқ академиялари фаолият кўрсатганини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ўз моҳиятига кўра нотижорат ташкилотлар бўлган бундай академиялар фаолияти, одатда, давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилган.

Ислом академиялари

Айрим хорижий мамлакатларда «академия» деб аталадиган муассасаларнинг яна бир тури мавжуд бўлиб, уларнинг номланишида муайян динлар ўз ифодасини топган. Бугунги дунёдаги бундай академияларнинг сони анчагина бўлиб, уларнинг бир қисми «ислом академиялари» деб юритилади. Бундай академиялар нафақат мусулмон мамлакатлари, балки аҳолисининг мутлақ кўпчилигини бошқа диний конфессия вакиллари ташкил этадиган мамлакатлар, масалан, ривожланган Ғарб давлатларида ҳам фаолият кўрсатаётгани эътиборга молик воқелиқдир. Шунингдек, уларнинг фаолият доираси

фақат диний мавзулар билан чекланиб қолмасдан, балки аниқ ва табиий фанлар, шунингдек, иқтисодиёт ва молия каби соҳаларга оид муаммоларни ҳам ислом дини контекстида ўрганиш ва тарғиб қилиш-ни қамраб олгани айниқса муҳимдир.

Бугун дунёда фаолият кўрсатаётган Ислом академиялари кўпроқ таълим-тарбия билан боғлиқ вазифаларга йўналтирилган бўлса-да, улар, шунингдек, илмий тадқиқотларни ҳам амалга оширмоқда. Мазкур воқелик исломга қизиқишнинг мисли қўрилмаган даражада ортиб бораётгани ҳамда ушбу диннинг туб моҳиятини ифода этувчи соғлом маълумотларни тарқатишга бўлган эҳтиёжнинг бениҳоя кучайгани билан изоҳланади.

Айтиш жоизки, «ислом академияси» деб номланаётган таълим ва илмий тадқиқот муассасаларини тузаётган кучлар ўз олдига аниқ мақсадларни қўймоқда. Уларнинг энг муҳимлари сирасига исломнинг муайян ҳуқуқий мактаблари, яъни мазҳаблари тарафдорларининг ўзлари учун анъанавий бўлган диний қарашларни ҳимоя қилиш ва уларни кенг омма орасида тарғиб этишга бўлган табиий интилиши киради. Шунингдек, айрим экстремистик ва радикал кайфиятдаги кучлар бундай имкониятдан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилаётгани ҳам бор гап.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги тажрибаси

Аҳолисининг кўпчилигини мусулмонлар ташкил этадиган, шунингдек, мусулмонлар сезиларли нисбатни ташкил қиладиган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо айрим мамлакатлар миллий илдишлардан озиқланган диний-маънавий анъаналарга қайта ҳаёт бағишлашни кўзлаган Ислом академияларини тузиш йўлидан бормоқда. 2017 йили Татаристонда ўз фаолиятини бошлаган Булғор Ислом академияси (Болгарская Исламская академия) бунинг ёрқин мисолидир. Ислом ҳуқуқшунослиги, Ислом тафаккури ва ақидаси, Қуръонга оид фанлар, Ислом иқтисодиёти ва бошқа йўналишлар бўйича олий малакали мутахассисларни тайёрлашга ихтисослашган ушбу академия 2017 йили ўз фаолиятини бошлаган. Ўшанда академияга 30 нафар аспирант ўқишга қабул қилинган эди.

Ўзбекистондаги амалиёт

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда муқаддас динимизнинг маънавий ва ижтимоий ҳаётдаги табиий ўрнини тиклашга қаратилган улкан ишлар

амалга оширилди. Улар, айниқса, охириги 2-3 йилда мисли кўрилмаган суръат ва кўламлар касб этиб бормоқда. Бунинг негизида Ўзбекистон Республикаси янги раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг метин эътиқоди, қатъий сиёсий иродаси ва юксак инсоний фазилатлари ётганини алоҳида эътироф этиш лозим.

2016 йили Тошкентда бўлиб ўтган Ислом ҳамкорлик ташкилоти ташқи ишлар вазирлари саммитида Ўзбекистон раҳбари томонидан таклиф этилган Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқотлар марказини барпо этиш ташаббуси мазкур умуммуслмон ташкилотининг барча аъзолари томонидан қизгин қўллаб-қувватланган эди. Айни кунларда ушбу муассаса учун мўлжалланган замонавий мажмуа қурилиши якунланди, унинг моддий-техник пойдевори ва бўлажак илмий ходимлари учун лозим турар-жойлар барпо этилди ва, амалда, у ўз фаолиятини бошлаб юборди.

Бундан ташқари, охириги икки йилда мамлакатимизда диний-маънавий тарбия йўналишидаги яна бир қатор янги муассасалар ташкил этилди. Ўзбекистондаги ислом маданияти маркази, Имом Термизий илмий-маърифий маркази, вилоятларда ҳадис, калом, фиқҳ, тасаввуф мактабларига асос солинди, Бухородаги дунёга машҳур Мир Араб мадрасасига олий ўқув юрти мақоми берилди ва ҳ.к. Шунингдек, мамлакатимиздаги юзлаб диний-маънавий қадамжолар ҳамда ибодатгоҳлар таъмирланмоқда ва обод қилинмоқда, маҳобатли янги масжидлар қурилмоқда. Улар миллий-маънавий тарбиянинг таъсирчан ўчоқларига айланмоқда. Ўзбекистонда фаолият юритаётган ислом олий ва ўрта махсус таълим юрталарининг кейинги фаолиятини бу соҳадаги миллий тажриба ва замонавий технология ютуқлари асосида ташкил этиш чоралари кўрилмоқда.

Санаб ўтилган ва бошқа ибратли ишлар натижасида мамлакатимиздаги икки мингдан ортиқ масжид, Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти, деярли барча вилоятларда фаолият кўрсатаётган ўрта махсус диний билим юрталари, қатор диний-маърифий ва илмий тадқиқот муассасалари ҳамда уларнинг узвий қисми бўлган оммавий ахборот воситалари ва илмий нашрларни қамраб олган мустақам инфратузилма барпо этилди.

Ўзбекистонда ислом академиясини тузиш эҳтиёжи

Мазкур йўналишдаги бошқа ташкилотларнинг серқирра ва мураккаб фаолиятини мамлакати-

миз манфаатларига мос тарзда ташкиллаштириш академия мақомидаги тузилмага асос солинишни мантиқий масалага айлантирди. Бундай муассасанинг тузилишидан кўзланган мақсад, диний йўналиш билан боғлиқ кадрлар тайёрлашнинг сифатини оширишдан ташқари, турли экстремистик оқимларга қарши курашнинг илмий таъминотини мустаҳкамлаш, унинг самарадорлигини ошириш, кенг омма, айниқса, ёш авлодни бузғунчи мафкуралар таъсиридан ҳимоялашга ёрдам бериш каби умуммиллий аҳамиятга молик вазифаларни қамраб олган эди. Шу тариқа 2017 йили нодавлат нотижорат мақомдаги Ўзбекистон ислом академияси, 2018 йилнинг апрелида эса, мазкур муассаса ҳамда собиқ Тошкент ислом университетини негизида Ўзбекистон халқаро ислом академиясига асос солинди.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Академия фаолиятдан кутилаётган пировард натижа, қисқа айтганда, тарихий Мовароуннаҳрда юксак даражада тараққий этган ислом илоҳиётшунослигининг ибратли анъаналарини тиклаш, уларни бугунги диний-маънавий ҳаётнинг тағзаминига айлантиришдан иборат дейилса, асло хато бўлмайди. Шунга мувофиқ, академия зиммасига қуръоншунослик, ҳадисшунослик, ислом илоҳиётшунослиги, ислом ҳуқуқи, ислом тарихи ва фалсафаси, тасаввуф, ислом иқтисодиёти ва молияси, манбашунослик, Шарқмумтоз адабиёти, халқаро муносабатлар, хорижий тиллар каби мутахассисликлар бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрлаш, шунингдек, зикр этилган соҳалар бўйича илмий тадқиқотларни амалга ошириш; республикадаги ислом таълим муассасалари фаолиятини ўқув-меъриий ва ўқув-услубий жиҳатдан таъминлаш ҳамда мувофиқлаштиришни амалга ошириш; ислом динининг асл моҳиятини, унинг башариятни эзгуликка элтувчи дин эканлигини илмий асосланган ҳолда ўрганиш ҳамда тарғиб этиш; диний-маърифий мавзуларда илмий ва оммабоп адабиётларни яратиш; ислом дунёсининг долзарб муаммолари ва унда кечаётган замонавий жараёнларга бағишланган назарий ва амалий конференциялар, семинарлар, тренинглар ва бошқа тадбирларни ўтказиш каби масъулиятли вазифалар юкланган.

Академия ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида ўз филиалларига эга Малака ошириш маркази таъсис этилган. Марказнинг асосий мақ-

сади – давлат ва нодавлат ташкилотлари, жумладан, диний соҳа вакиллари, умумий ўрта, ўрта махсус, олий таълим муассасаларининг диний билимлар, маънавият ва маърифат, ахлоқий тарбия бўйича масъул ходимлари, педагог кадрларини диншунослик, ислом тарихи, исломшунослик, жумладан, қуръоншунослик, ҳадисшунослик ҳамда фикҳ ва калом илми, ислом динининг асл моҳияти, замонавий диний, сиёсий-ижтимоий жараёнлар бўйича касбий қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдир.

Илк натижалар

Ўзбекистон халқаро ислом академияси ўз фаолиятини бошлаганига, мана, ярим йилдан ошди. Олий таълим ва илмий тадқиқотлар муассасаси вазифаларини ўзида мужассамлаштирган академия учун зикр этилган давр ҳам мураккаб, ҳам ҳақиқий синов палласи бўлди дейиш мумкин. Унинг мураккаблиги шундаки, зиммасига улкан ва серқирра вазифалар юкланган бундай эътиборли муассасанинг фаолиятини изга тушириб юбориш ҳар қандай жамоадан алоҳида жидду жаҳд талаб этади. Синов маъносидаги жиҳат эса, академиянинг умуммиллий илмий-маънавий инфратузилмага уйғунлашуви жараёни нечоғлик табиий кечиши билан боғлиқ эди. Бугунги кун воқелигидан келиб чиқиб айтиш мумкин, ҳар икки масала йўлидаги табиий қийинчиликлар асосан енгиб ўтилди. Энг муҳими, академия олдига қўйилган вазифаларнинг умуммиллий тараққиёт учун юксак аҳамиятининг жамоа томонидан идрок этилиши тобора чуқурроқ теранлик касб этиб бормоқда. Айнан шу воқелик ўтган даврнинг энг муҳим натижаси сифатида баҳоланишга муносибдир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таъсис этилган Ўзбекистон халқаро ислом академияси мамлакатимизда кечаётган туб ўзгаришлар, айниқса, диний-маънавий жараёнларнинг фаол иштирокчилари қаторида бўлишга интилоқда. Бунда мунтазам кенгайиб бораётган глобаллашув феномени диний-маънавий ҳаётни ҳам қамраб олаётгани доимий равишда диққат марказида тутилмоқда. Иккинчи тарафдан, академия зиммасига юкланган масъулиятли вазифаларнинг сифатли ижроси халқаро илмий-амалий ҳамкорликни ривожлантиришни тақозо этмоқда. Шунга мувофиқ, ўтган қисқа даврда халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган бир қатор диққатга сазовор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Мисрнинг ал-Азҳар, Айн Шамс университетлари ва «Ҳивор» илмий-таҳли-

лий маркази, Туркиянинг Займ, Салжук, Ибн Халдун ва Кастамону университетлари, Индонезиянинг Султон Шариф Қосим ва Саҳид университетлари, Малайзиядаги Ислом фанлари университети, Саудия Арабистони Подшоҳлиги, Бирлашган Араб Амирликлари, АҚШ, Германия, Хитой, Австралия, Россия ва Қозоғистон каби мамлакатларнинг турдош олий таълим муассасалари, илмий тадқиқот марказлари ҳамда етакчи исломшунослари билан ҳамкорлик бошлаб юборилди.

2018 йилнинг октябрь ойида дунёга машҳур ал-Азҳар мажмуасининг олий имоми, шайх Аҳмад ат-Тоййиб ҳазратлари академия меҳмони бўлдилар ва унинг фахрий профессори унвони билан тақдирландилар. 2019 йилнинг ибтидосида Қоҳирада мусулмон дунёсининг нуфузли диний-мафкуравий марказларидан бири бўлган ушбу эътиборли муассаса билан ҳамкорликнинг аниқ йўналишларини ўзида мужассамлаштирган «Йўл харитаси» имзоланди. Уларнинг ижроси ҳам бошланиб кетди, жумладан, бугунги кунда мисрлик мутахассислар талабаларга араб тилидан дарс бермоқдалар.

Эпилог

Табиийки, эришилган натижалар «хамир учидан патир» дегандай гап. Жамоа олдида турган вазифаларнинг кўлами ва уларнинг илмий-амалий аҳамияти биздан мутлақо янгича ёндашувларга асосланган фаол ташаббускорликни талаб этмоқда. Академиянинг мамлакатимиз ўқув-илмий инфратузилмасидаги диний-маънавий йўналиш бўйича том маънодаги етакчи сегментга айланиши ушбу муқаддас даргоҳда меҳнат қилаётган ҳар бир ходимнинг ҳаракатига бевосита боғлиқдир.

Zohidullo MUNAVVAROV,
siyosiy fanlar doktori, professor,
Xalqaro munosabatlar kafedrasi mudiri



МЎЪТАБАР МАСКАН

ИСЛОМШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ

Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Исломшунослик факультетида «Диншунослик», «Исломшунослик», «Ислом тарихи ва манбашунослиги» таълим йўналишлари бўйича талабаларни ўқитиш, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш кўзда тутилган бўлиб, таълим «Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО», «Ислом тарихи ва манбашунослиги», «Ислом цивилизациясини ўрганиш ISESCO» ҳамда «Ислом фанлари» кафедраларида олиб борилади.

Факультет профессор-ўқитувчилари томонидан талабаларга Қуръон илмлари, ҳадис, ислом ҳуқуқи, ақида, тасаввуф каби фанлардан маъруза ва амалий машғулотлар олиб борилади. Кафедралар юқори малакали исломшунос, диншунос кадрларни тайёрлаш билан бирга, ўз йўналишлари бўйича республикаміздаги барча ислом таълим муассасалари фаолиятини ўқув-меъриий ва ўқув-услубий жиҳатдан таъминлаш ҳамда мувофиқлаштиришда таянч кафедралар ҳисобланади. Кафедраларда олий таълимдан кейинги таълим босқичида исломшунослик, диншунослик илм-фан соҳаларида таянч докторант ва докторантлар ҳамда мустақил изланувчилар фаолият олиб боради. Кафедралар илмий меросни чуқур тадқиқ қилиш ва асраб-авайлаш, ёшларга диний ва дунёвий билим бериш, жамиятда соғлом маънавий муҳит яратишнинг диний-маърифий, тарихий асосларини ўрганиш борасида мамлакатимизнинг етакчи таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик қилади.

Факультетда эллик уч нафар профессор-ўқитувчилар хизмат қилади. Улардан тўққиз нафари фан доктори, профессор. Ўйигирма бир нафари фан номзоди, доцент. Факультет профессор-ўқитувчилари 200 га яқин фанлардан фан дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш билан бирга «жаҳолатга қарши маърифат» улуғвор ғояси асосида мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, турли ташкилот ва жамоаларда илмий-маърифий, тарғибот-ташвиқот ишларида фаол иштирок этиб келмоқда.

Факультетда тўрт юз эллик нафар талаба таълим олади. Улар орасида Имом Бухорий номидаги давлат стипендияси, Диншунослик бўйича фан олимпиадаси, илм-фан ва спортнинг турли йўналишлари бўйича халқаро ва маҳаллий мусобақалар ғолиблари, халқаро ва республика илмий-амалий конференция иштирокчилари бор.

Факультет декани – Абдуҳолиқ Ташанов, исломшунос, файласуф ихтисослигига эга, фалсафа фанлари номзоди. «Бузғунчи ғояларнинг миллий ўзликни англашга салбий таъсири», «Вайронкор ғоялар ва бузғунчи мафкуралар», «Вайронкор ғоялар таҳдиди ва миллий ўзликни асраш эҳтиёжи», «Давлат хизматчиси компетентлиги» номи монографиялар, «Мутаассибликнинг кўринишлари ва оқибатлари», «Раҳбар компетентлиги ва бошқарув ислохотлари», «Бағрикенглик ва мутаассиблик», «Маҳаллаларда ёшларни бузғунчи ғоялардан асраш омиллари» каби рисоалар ҳамда юздан ортиқ илмий мақолалар муаллифи.

«Фалсафа қомуси», «Ғарб фалсафаси», «Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар», «Миллий ғоя атамалар лугати», «Маънавият асосий тушунчалар изоҳли лугати» ва «Жаҳон фалсафаси энциклопедияси» каби асарлар ҳаммуаллифи.

ИСЛОМ ИҚТИСОДИЁТИ ВА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ФАКУЛЬТЕТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 16.04.2018 йилдаги ПФ-5416-сонли Фармонида биноан Ўзбекистон халқаро ислом академияси таъсис этилиши асосида унинг ўқув-илмий таркибий тузилмаси ташкил қилинган.

Факультет Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган (Буйруқ №159, 30 май 2008 йил) «Олий таълим муассасасининг факультети тўғрисида»ги ҳамда «Олий таълим муассасаси кафедралари тўғрисида»ги низомлар асосида фаолиятини олиб боради.

Ислом иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар факультети:

1. Факультет Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг ўқув-илмий ва маъмурий бўлинмаси ҳисобланади. Факультет фаолиятида қуйидаги йўналишлар мавжуд:

1. 5610300 – «Туризм (зиёрат туризми)»;
2. 5160200 – «Ислом иқтисодиёти ва молияси»;
3. 5121100 – «Халқаро муносабатлар»;
4. 5111600 – «Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими»;

5. 5330200 – «Информатика ва ахборот технологиялари»;

6. 5231100 – «Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар».

2. Факультетнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ «Туризм (зиёрат туризми)», «Ислом иқтисодиёти ва молияси», «Халқаро муносабатлар», «Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими», «Информатика ва ахборот технологиялари», «Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар» таълим йўналишлари бўйича замон талабларига жавоб бера оладиган, давлат ва жамоат ташкилотлари олдидаги назарий ва амалий вазифаларни ҳал қилишга қодир юқори малакали мутахассис кадрлар – бакалаврларни тайёрлаш;

– факультет таркибидаги кафедраларнинг илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш.

3. Факультет таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириш, таълим-тарбия самардорлигини ошириш мақсадида корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳамда хорижий таълим муассасалари билан белгиланган тартибда тузилган битим асосида ҳамкорлик қилиши мумкин.

4. Факультет мутахассислар тайёрлашни ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда амалга оширади. Кадрлар истеъмолчилари талаблари ва соҳа хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўқув жараёни самардорлигини ошириш мақсадида факультет таркибида янги бўлимлар ташкил этилиши мумкин.

5. Факультет ўз таркибига киритилган бакалаврият йўналишларига тааллуқли кафедраларни, шунингдек, фаолият мазмуни бўйича факультет ихтисослигига яқин бўлган бошқа кафедраларни бирлаштиради.

6. Факультет кадрлар тайёрлаш жараёнини ишлаб чиқаришдан ажралган (кундузги) ҳолда амалга оширади.

Факультетда 4 та кафедра фаолият олиб боради:

1. «Замонавий ахборот коммуникация технологиялари» кафедраси;

2. «Ислом иқтисодиёти ва молияси, зиёрат туризми» кафедраси;

3. «Ижтимоий-гуманитар фанлар» кафедраси;

4. «Халқаро муносабатлар» кафедраси.

Факультет декани – Абдирашидов Аширвали Абдирашидович, иқтисод фанлари номзоди.

МУМТОЗ ШАРҚ ФИЛОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ

Мумтоз шарқ филологияси факультети 2018 йил 16 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5416-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 июндаги 466-сонли қарорига биноан Ўзбекистон халқаро ислом академияси маъмурий-бошқарув таркибида унинг ўқув-илмий таркибий тузилмаси сифатида ташкил қилинган.

Бугунги кунда факультетда жами 169 нафар талаба қуйидаги 3 та йўналишлар бўйича таҳсил олади:

1) 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (араб тили)

2) 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (мумтоз тиллар)

3) 5210200 – Психология (дин социопсихологияси)

Бундан ташқари «Психология» таълим йўналиши бўйича магистрантлар таҳсил олади.

Факультет таркибида «Шарқ филологияси», «Мумтоз шарқ адабиёти ва манбашунослиги», «Чет тиллари» ҳамда «Дин психологияси ва педагогика» кафедралари фаолият олиб боради.

«Мумтоз шарқ филологияси ва манбашунослиги», «дин социопсихологияси» таълим йўналишлари ва мутахассислиги бўйича юқори малакали мутахассис кадрлар – бакалавр, магистр, таянч докторант (PhD) ва докторантлар (DSc), мустақил тадқиқотчиларни тайёрлаш, мутахассислар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, ўқув-тарбиявий жараёни ташкил қилиш, таълим мазмунини жамиятдаги туб ўзгаришлар талабларига мувофиқ доимий такомиллаштириб бориш, шунингдек, мумтоз Шарқ филологияси соҳасида фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар, илмий-методик ишларни ташкил этиш, илмий инновацион фаолиятни амалга ошириш, факультет ривожига йўналтирилган инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни татбиқ қилиш; уларнинг давлат ва жамият стратегик ривожланиши мақсадлари билан узвий олиб борилишини таъминлаш ва ўзаро мувофиқлаштириш, илмий тадқиқотлар натижаларини соҳага оид тузилмалар амалий фаолиятларига жорий этиш – факультетнинг бош вазифаларидан бири ҳисобланади.

Факультетнинг «Филология ва тилларни ўқиш» таълим йўналишида таҳсил олувчи талабаларга шарқ тилларидан араб, форс тиллари, шарқ халқлари адабиёти, мумтоз шарқ адабиёти, шарқ тилларида яратилган қўлёзмалар, шарқ манбашунослиги каби фанлар, шунингдек, инглиз ва рус тиллари чуқурлаштирилган дастурлар асосида ўргатилади.

«ДИНШУНОСЛИК ВА ЖАҲОН ДИНЛАРИНИ ҚИЁСИЙ ЎРГАНИШ ЮНЕСКО» КАФЕДРАСИ

«Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО» кафедраси Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг етакчи кафедраларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга республикада **5120600** – Диншунослик бакалаврият таълим йўналиши ҳамда **5A120602** – Диншунослик магистратура мутахассислиги бўйича таянч олий ўқув юртидир.

Кафедра тарихи. Кафедра академиянинг Исломшунослик факультети таркибига киритилган. Мазкур кафедра «Диншунослик-исломшунослик» сифатида дастлаб 1999 йилдан фаолиятини бошлаган. 2006 йил 30 августда эса «Диншунослик» кафедраси, 2008 йилда мазкур кафедра «Жаҳон динларини қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО» кафедраси билан бирлаштирилган. Шу ўринда айтиш керак, «Жаҳон динларини қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО» кафедраси 2000 йил 14-16 сентябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган ЮНЕСКОнинг «Жаҳон динлари тинчлик маданияти» халқаро конгресси доирасида ташкил этилган. Унинг очилишида ЮНЕСКО Бош директори Коичиро Мацури иштирок этган.

Кафедрага турли йилларда т.ф.д, проф. Аҳаджон Ҳасанов, т.ф.д., проф. Саидакбар Аъзамхўжаев, т.ф.н., доц. Неъматулло Муҳамедов, т.ф.н., доц. Дурбек Раҳимжоновлар мудирлик қилишган.

Кафедрада 3 нафар фан доктори, 5 нафар фан номзоди, 2 нафар катта ўқитувчи ва 7 нафар ўқитувчи фаолият олиб боради.

Кафедранинг мақсад ва вазифалари:

– диншунослик асослари, диннинг жамиятдаги ўрни, динлар тарихи билан боғлиқ билимлар ҳамда замонавий фанларни чуқур ўзлаштирган, давлат ва жамоат ташкилотлари, диний муассасалар олдидаги назарий ва амалий вазифаларни бажарадиган юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш;

– диншуносликнинг фан соҳаси сифатида пайдо бўлиши, унинг тарихи ва турли диншунослик

мактаблари, олимларнинг диншунослик концепцияси ва илмий ёндашувларини таҳлил этиш;

– Марказий Осиёда тарқалган ва ривож топган динларнинг манбаларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш;

– узлуксиз таълим тизими ва кенг жамоатчилик учун диншунослик бўйича дастурлар, ўқув дарсликлари ва ўқув қўлланмалар тайёрлаш.

Кафедра фаолияти. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони билан тасдиқланган «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»нинг бешинчи бандида белгиланган **«Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш»** ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар» сиёсатини амалга оширишда кафедра ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Мамлакат миқёсида қабул қилинган ушбу ҳужжатда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур кафедра қуйидаги йўналишларда фаол иш олиб бормоқда:

1. Ўқув-услубий (маъруза ва семинар, амалий дарс машғулотларини замонавий педагогик ва ахборот технологиялари асосида олиб бориш, дарсликлар, ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалар яратиш).

2. Илмий-тадқиқот (илмий тадқиқотлар: докторлик, номзодлик, магистрлик, бакалаврлик ишлари. Халқаро ва республика миқёсидаги грантларда иштирок этиш ҳамда илмий монография, рисола, илмий мақола, тезислар нашр этиш).

3. Маънавий-маърифий (халқаро, республика, университет миқёсидаги маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этиш, телевидение, радио, интернетдаги чиқишлар, «Зиё» студияси кўрсатувларида қатнашиш).

4. Халқаро миқёсда (халқаро конференциялар, шартномалар, меморандумлар, ЮНЕСКО ва АЙСЕКО кафедралари, хорижий давлатларда малака ошириш).

5. Малака ошириш (Академия қошидаги Малака ошириш маркази ва унинг жойлардаги филиалларида малака ошириш курсларида маърузалар қилиш).

Кафедра мудир в.б. т.ф.н. Махфуза Алимова (2018 йилдан).

Талабалар сони ҳақида маълумот

№	Йўналиш номи	Коди	Курси	Талабалар сони
1	Диншунослик	5120600	1	20
	Религиоведение		2	79
2	Диншунослик		2	19
3	Диншунослик		3	20
4	Религиоведение		3	8
5	Диншунослик		4	18
5	Религиоведение		4	8

№	Мутахассислик номи	Коди	Курси	Магистрлар сони
1	Диншунослик	5A120602	1	5
2			2	13

Кафедра профессор-ўқитувчилари куйидаги фанлардан дарс беради:

Бакалавриатура йўналишида: Диншунослик, Диншуносликка кириш, Дунё динлари тарихи, Дин ниқобидаги таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш асослари, Диншунослик ва дунё динлари тарихини ўқитиш методикаси, Диншунослик асослари, Ибтидоий динлар ва мифология, Давлат ва дин, Диний бағрикенглик маданияти, Қиёсий диншунослик, Динлардаги оқимлар ва секталар, Диний манбаларни қиёсий ўрганиш, Диншунослик ва дунё динлари тарихини ўқитиш методикаси, Диншуносликни ўқитиш методикаси, Диний анъана ва маросимлар.

Магистратура мутахассислигида: Диншуносликка оид хорижий манбаларни тадқиқ этиш методологияси, Диний анъана ва маросимларни қиёсий тадқиқ этиш методологияси, Диншуносликнинг замонавий муаммолари, Дин антропологиясининг методологик асослари, Динлар тарихини минтақавий ўрганиш, Замонавий диний ташкилотлар ва ҳаракатлар, Махсус фанларни ўқитиш методикаси, Кибермаконда дин омили.

Кафедра ташаббуси билан ҳар йили апрель ойида «Диншуносликнинг долзарб муаммолари» мавзуида республика миқёсида илмий-амалий конференция ҳамда «16 ноябрь – Халқаро Бағрикенглик куни» муносабати билан шу куни турли диний конфессия вакиллари иштирокида анжуман ўтказиш анъанага айланган.

Кафедранинг ўқув-методик ишларида талабалар онгида диний бағрикенглик ғояларини камол топтириш мақсадида Ўзбекистонда яшовчи турли диний конфессиялар вакиллари билан учрашувлар ўтказилади. Динлар тарихи ва таълимоти билан яқиндан танишиш ва жонли мулоқотга киришиш

юзасидан черков, семинария, синагога ва кирха каби диний ташкилотларга экскурсиялар уюштирилади.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси Диншунослик йўналиши талабалари республикамиздаги турли давлат ва жамоат ташкилотлари, жумладан, республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти, Фанлар академияси Асосий кутубхонаси, Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, республика «Маҳалла» жамғармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва бошқа илмий-ижодий муассасаларда амалий касбий малакаларини мунтазам равишда ошириб боришади. Шунингдек, ҳар йили талабаларимиз ўрта мактабларда педагогик амалиёт жараёнида «Дунё динлар тарихи», «Одобнома», «Ўзбекистон тарихи», «Жаҳон тарихи», «Маънавият асослари» каби фанлардан дарс ўтишади ва улар мутахассислар иштирокида таҳлил қилинади.

Умуман олганда, «Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО» кафедраси мамлакатимиз маънавий-маърифий, диний-илмий ҳаётида дин ва жамият, дунё динлари тарихи ва таълимоти, аждодларимиз илмий меросида диний ва ахлоқий масалалар, бир сўз билан айтганда, диншунослик муаммолари билан боғлиқ масалаларни ўрганиш, тадқиқ этиш бўйича ўзига хос марказлардан бири ҳисобланади.

«ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНИ ЎРГАНИШ ISESCO» КАФЕДРАСИ

«Ўзбекистоннинг яна бир ташаббуси — Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилотининг махсус кафедрасини Тошкент ислом университети таркибида ташкил этиш билан боғлиқдир.

Янги кафедра фаолиятининг асосий йўналишини мусулмон дунёсидаги таълим, илм-фан ва маданият тарихи ҳамда уларнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш ва улар ҳақида талабаларга чуқурлаштирилган махсус курсларни ўқиш ташкил этиши мумкин бўлур эди».

Шавкат Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

«Ислом цивилизациясини ўрганиш ISESCO» кафедраси Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан очилган. 2016 йил 18–19 октябрь кунлари Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги «Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл» номли 43-сессиясида Ш.Мирзиёев Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти – ISESCOнинг махсус кафедрасини ташкил этиш ҳақида таклиф билдирган эди.

2017 йил 24 май куни Ўзбекистон делегацияси Работ шаҳрида жойлашган ISESCO Бош қароргоҳида ташкилот Бош директори Абдулазиз бин Усмон ат-Тувейжрий билан ҳамкорлик масалалари юзасидан тегишли музокаралар ўтказди ҳамда Ўзбекистонда исломшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани, айниқса диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик масаласидаги Ўзбекистон раҳбариятининг ташаббуслари ҳақида атрофлича маълумот тақдим этди. Учрашув якуни бўйича ISESCO Бош директори ва делегация иштирокида Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти – ISESCOнинг «Ислом цивилизациясини ўрганиш ISESCO» махсус кафедрасини ташкил этиш бўйича англашув Меморандуми имзоланди.

2017 йилнинг 26 август куни «Ислом цивилизациясини ўрганиш ISESCO» кафедрасининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда ISESCO Бош директори Абдулазиз бин Усмон ат-Тувейжрий иштирок этди.

Кафедрани ташкил этишдан мақсад – мусулмон дунёсидаги таълим, илм-фан ва маданият тарихи ҳамда уларнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш ва улар ҳақида талабаларга чуқурлаштирилган махсус билимларни беришдан иборат.

Ушбу мақсадда кафедрада иккита асосий илмий йўналишда тадқиқотлар олиб борилади. Биринчидан, аждоолар мероси, илмий асарлари, қўлёзмаларини тадқиқ этиш, улар асосида ўқув ва илмий адабиётлар яратиш, рисола, китоблар ёзиш. Иккинчидан, мусулмон жамиятларидаги илм-фан, таълим ва маданият тарихи, унинг бугунги ҳолати, истиқболлари, у ердаги илмий ва ўқув муассасалари, ижтимоий, маърифий, маданий, иқтисодий ҳаёт, ушбу мамлакатлар билан ҳамкорлик истиқболлари кабиларни ўрганиш, улар бўйича талабаларга фан ва курслар ташкил этиш, таҳлилий маълумотлар тайёрлаш, илмий ва ўқув нашрлари тайёрлаш.

Таъкидлаш лозимки, ҳозирда дунё бўйича 18 та ISESCO кафедралари мавжуд бўлиб, Ўзбекистон халқаро ислом академиясидаги «Ислом цивилизациясини ўрганиш ISESCO» кафедраси ўзига хослиги билан ажралиб туради. Чунки 2017–2018 ўқув йилидан бошлаб кафедра таркибида «Тарих (Ислом цивилизацияси)» магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрланмоқда.

Кафедрада ўқитиладиган фанлар:

- Ислом цивилизацияси тарихи
- Марказий Осиё мутафаккирларининг диний-маърифий мероси
- Мусулмон мамлакатларида таълим тизими
- Шарқ қўлёзма манбаларини ўрганиш амалиёти
- Ислом цивилизацияси тарихи, тарихшунослиги ва манбашунослигининг назарий масалалари
- Халқаро ва минтақавий ислом ташкилотлари
- Ислом ва жамият
- Мусулмон дипломатикаси тарихи
- Ислом тарихи
- Ислом манбашунослиги
- Ижтимоий ҳаёт ва дин
- Зиёрат туризми объектлари ва улардаги эпиграфик ёзувларни ўрганиш

Кафедра таркибидаги махсус курслар:

- Ислом цивилизацияси
- Муқаддас динимизни асраш ва қадрлаш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиз

Кафедра таркибидаги тўғарақлар:

- Араб хаттотлик санъати
- Манбаларни ўқиш амалиёти
- Қуръон таржималарини ўрганиш

«ИСЛОМ ТАРИХИ ВА МАНБАШУНОСЛИГИ» КАФЕДРАСИ

Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг «Исломшунослик» факультети таркибидаги «Ислом тарихи ва манбашунослиги» кафедраси аввалги «Тарих» (Тошкент ислом университети Илмий кенгаши 2008 йил 28 августдаги 1-сонли қарорига биноан ташкил этилган) кафедраси негизидан 2018 йилда қайта ташкил этилган.

Кафедрада бакалавр йўналиши ва магистратура мутахассислиги мавжуд. 2011–2012 ўқув йилидан бошлаб 5120300 – Тарих (Ислом тарихи ва манбашунослиги) бакалавр йўналишига талабалар қабул қилиниб келинмоқда. 2015 йилда илк битирувчилар бакалавр дипломига эга бўлишди. Ҳозирги кунгача 102 та талаба ўқишни битирган бўлса, яна 107 нафари таҳсил олишни давом эттирмоқда. 2018–2019 ўқув йилидан бошлаб 5160100 – Исломшунослик йўналиши таркибида Ислом тарихи ва манбашунослиги йўналиши очилди. 2016–2017 ўқув йилидан бошлаб 5A120302 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари (Марказий Осиё мамлакатлари бўйича) магистратура мутахассислиги ташкил этилди. 2018 йилда илк битирувчи-

лар магистр дипломига эга бўлишди. 2018 ўқув йилида 5A160106 – Ислом тарихи ва манбашунослиги магистратура мутахассислиги ташкил этилди.

«Ислом тарихи ва манбашунослиги» кафедраси юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрларни тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу мақсадни амалга ошириш йўлида кафедра мудирини т.ф.н. Абдужаббор Яминов, кафедра профессор-ўқитувчиларини т.ф.д., профессор Аҳаджон Ҳасанов, т.ф.д., доцент Нодири Мустафаева, т.ф.н., доцент Гавҳар Фузаилова, т.ф.н. Неъматилла Насруллаев, т.ф.н., доцент Тохир Хатамов, т.ф.н., доцент Азиз Холлиев, т.ф.н. Ҳамидулло Лутфиллаев, т.ф.н. Саидакбар Муҳаммадаминов, катта ўқитувчи Муҳаммадсиддиқ Усмонов, катта ўқитувчи Шухрат Тохтиев, катта ўқитувчи Мурод Зикруллаев, ўқитувчи Зариф Хидиров ва ўқитувчи Зиёдилла Зийнатуллаевлар фаолият олиб боришмоқда.

Кафедрада 24.00.01 – Ислом тарихи ва манбашунослиги шифри остида таянч докторантура ташкил этилган бўлиб, докторант ва мустақил тадқиқотчилар ўз илмий изланишларини олиб боришмоқда.

Бакалавр йўналиши ва магистратура мутахассислиги давлат таълим стандартлари, ўқув режалар ва дастурлари ривожланган хорижий мамлакатларнинг таълим дастурлари билан қиёсий таҳлил асосида ишлаб чиқилган бўлиб, кафедрада бакалавр йўналиши талабалари учун Ислом тарихи, Манбашунослик, Меъморий ёдгорликлар тарихи ва эпиграфика, Кодикология ва текстология, Ёрдамчи тарихий фанлар, Музейшунослик, Археология ва этнология, Архившунослик ва библиография асослари, Осиё ва Африка мамлакатлари тарихи, Тарих ўқитиш усуллари ва таълим технологиялари, Тарихшунослик ва тарихий тадқиқот усуллари, Хронология ва метрология, Тарихий география, картография ва ўлкашунослик, Ислом тарихи манбалари, Марказий Осиё мутафаккирларининг илмий мероси фанлари ўқитилади. Магистратура мутахассислигида Ислом тарихи (минтақавий ёндашув), Ислом тарихига оид манбаларнинг қиёсий таҳлили, Ислом манбашунослиги ва тарихнавислигининг долзарб масалалари, Марказий Осиё олимлари илмий меросининг манбашунослик таҳлили, Ўрта асрлар тарихига оид манбалар, Эски ўзбек ёзуви ва туркий матнларни ўрганиш ва таҳлил этиш каби фанлардан етук мутахассислар таҳсил беришади.

Кафедранинг ўз олдига қўйган вазифалари:

- кафедра фанларига оид ўқув адабиётларини тайёрлаш ҳамда нашр этиш;
- ўқув машғулотида замонавий техника воситаларидан, яқка тартибда ўқитиш ва мустақил таълим олиш услубларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш, ўқитишнинг замонавий усуллари ва воситалари билан масофали ўқитиш элементларини ривожлантириш;
- кафедранинг илмий салоҳиятини йилма-йил ошириб бориш;
- иқтидорли талабаларни танлаш ва уларнинг салоҳиятини ошириш, шу жумладан, уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси, давлат стипендиялари ва бошқа халқаро ва Республика миқёсида турли танловларда, фан олимпиадаларида иштирок этишга тайёрлаш;
- кафедра бакалавр йўналиши талабалари ва магистрантлар учун илмий тадқиқот институтлари, қўлёзмалар марказлари ва музейларга мақсадли стажировкалар ташкил этиш;
- кафедра профессор-ўқитувчилари ва талабаларининг хорижда малака ошириши ва стажировка ўташини академия раҳбарияти билан келишган ҳолда ташкил этиш;
- илмий-педагог кадрларни тайёрлаш, кафедра мутахассислигига мос ёки турдош ихтисосликлар бўйича диссертацияларни илмий семинарларда муҳокама қилишдан иборат.

«ИСЛОМ ФАНЛАРИ» КАФЕДРАСИ

Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг «Исломшунослик» факультети таркибида бўлган «Ислом фанлари» кафедраси исломшунослик таълим йўналишида бакалавр, қуръоншунослик, ҳадисшунослик, ислом ҳуқуқи, ақида, калом илми ва ақидавий таълимотлар йўналишида магистр кадрларни тайёрлайди.

Кафедра профессор-ўқитувчилари ислом фанларидан қуръоншунослик, ҳадисшунослик, фикҳ, ислом ҳуқуқи, ақида, калом соҳалари бўйича етук мутахассислардан иборат. Магистратуранинг қуръоншунослик йўналишида олти, ҳадисшунослик йўналишида етти, ислом ҳуқуқи йўналишида ўн бир, ақида, калом илми ва ақидавий таълимотлар йўналишида саккиз, жами ўттиз икки талаба таҳсил олади. Исломшунослик бакалаврият таълим йўналишининг 1-курсида таҳсил олаётган 151 нафар талабадан беш нафари хориж фуқароларидир.

Кафедрада фаолият олиб бораётган ўн олти нафар педагог кадрлардан бир нафари тарих фанлари доктори, профессор. Уч нафари фан номзоди, доцент.

Кафедра мудири – Абдурашид Абдуллаев. Тарих фанлари номзоди, доцент. «Илмдан бошқа нажот йўқ», «Тошкентдаги Усмон муҳсафи», «Ислом маърифати ва ҳозирги замон», «Маърифат зиёси» каби асарлар муаллифи.

«ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР» КАФЕДРАСИ

Кафедра Ислом иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар факультети таркибида 2018 йилнинг август ойида ташкил этилган. Мутахассис чиқарувчи кафедра сифатида унинг мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

- халқаро муносабатларнинг асослари, уларнинг объект ва субъектлари, улар билан боғлиқ илмий тушунчаларни чуқур ўзлаштирган;

- халқаро муносабатлар илмий йўналишининг асосий категориялари ҳамда замонавий жаҳон сиёсатининг долзарб муаммолари ҳақидаги мантикий асосланган билимларни пухта эгаллаган;

- халқаро муносабатларнинг ижтимоий ҳамкорлик соҳасидаги муҳим ўрни ва хусусиятларини чуқур тушунадиган;

- халқаро муносабатларга оид асосий назарий ёндашувларни ўзлаштирган ҳамда замонавий халқаро муносабатларнинг муаммоли блокларини яхши биладиган;

- халқаро жараёнларни илмий таҳлил қилиш усуллари бўйича махсус билимларга эга, улар билан боғлиқ муаммолар ечимини излаш ҳамда қарорлар қабул қилиш йўллари ва механизмларини эгаллаган;

- халқаро муносабатларга оид ёзма таҳлилий маълумотномалар ва бошқа расмий ҳужжатларни тайёрлаш малакасига эга;

- она ва рус тилларидан ташқари, камида биттадан Шарқ ва Ғарб тилларини эркин биладиган мутахассисларни тайёрлаш.

«Халқаро муносабатлар» йўналиши талабаларига юқори малакали назариётчи профессор-ўқитувчилар, жумладан, фан докторлари ва номзодлари, шунингдек, тажрибали амалиётчи-дипломатлар дарс берадилар. Улар Ўзбекистон ва хориждаги илмий марказлар ҳамда ўқув муассасаларида ўз малакасини мунтазам ошириб борадилар. Ўқув жараёнида таълимнинг анъанавий услублари билан бир қаторда, ривожланган инфор­мацион техно­

логияларга асосланган инновацион ёндашувлар, жумладан, интернет тизими орқали масофавий ўқитишнинг индивидуал ва коллектив шакллари­дан фойдаланилади.

Кафедрада қуйидаги профессор-ўқитувчилар фаолият юритмоқда:

- З.И.Мунавваров – сиёсий фанлар доктори, профессор, кафедра мудири;

- Ж.Тошқулов – юридик фанлар доктори, профессор;

- Ф.Р.Равшанов – сиёсий фанлар доктори, доцент;

- М.Муҳаммадсиддиқов – сиёсий фанлар доктори, доцент;

- А.Муминов – юридик фанлар номзоди, доцент;

- Б.Фарфиев – социология фанлари номзоди, доцент;

- Қ. Якубов – тарих фанлари номзоди, катта илмий ходим;

- З.С.Пулатходжаев – Фавқулодда ва мухтор элчи, катта ўқитувчи;

- А.Бийкузиев – жаҳон тарихи магистри, катта ўқитувчи;

- Ҳ.Я.Азимов – халқаро муносабатлар магистри, ўқитувчи;

- А.Раджабова – халқаро муносабатлар магистри, ўқитувчи-стажер;

- Г.Раҳматуллаева – иқтисодиёт магистри, кабинет муди­раси.

Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсатининг долзарб масалаларига бағишланган юзлаб китоб ва илмий мақолалар нашр этилган. Улар орасида З.И.Мунавваровнинг «Central Asia and the Caucasus after the Soviet Union.» Florida University Press. USA. 1993 (co-author), «From the Gulf to Central Asia.» Exeter University Press. UK. 1994 (co-author), «Арабистон ярим ороли мамлакатлари» (Тошкент, Фан, 1994), «Ал-Араб ва-л-ислом фи Ўзбекистан: таърих Асийо ал-Вусто мин ал-усар ал-хокима хатта ал-йом» (Байрут, 1996, араб тилида), «Ўзбекистон и арабский мир: перспективы сотрудничества» (Ташкент, Фан, 1997), «Султанат Оман: история, цивилизация, экономика, внешняя политика» (Ташкент, Фан, 2015), А.Муминовнинг «Ўзбекистон ва ЮНЕСКОнинг ҳуқуқий ҳамкорлиги» (Тошкент, 2003), Ф.Равшановнинг «Миллий раҳбаршунослик: тарих ва тажриба (Тошкент, 2007), «Хорижий мамлакатлар давлат хизмати тизимларида кадрлар танлаш тажрибалари» (Тошкент, 2008)

монографиялари, Қ.Якубовнинг «Ўзбекистон тарихи хрестоматияси»дан ўрин олган материаллари (Тошкент, 2016, IV жилд), Ж.Тошқуловнинг халқаро ҳуқуққа, Б.Фарфиевнинг социологияга оид муҳим тадқиқотлари, шунингдек, З.Пулатходжаевнинг Марказий Осиё минтақасидаги транспорт логистикасига оид долзарб масалаларга, А.Бийкузиевнинг замонавий геосиёсатнинг муҳим муаммоларига, Ҳ.Азимовнинг Яқин Шарқ минтақасидаги миллий-этник вазиятга, А.Раджабованинг демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш масалаларига бағишланган кизиқарли тадқиқотлари ва бошқалар бор.

Шунингдек, кафедра аъзолари томонидан ҳаммуаллифлик ва яккамуаллифликдаги бир қатор дарслик ва ўқув қўлланмалар нашр этилган. Қуйидагилар шулар жумласидандир:

– А.Бийкузиев. Европа ва Америка давлатларининг янги тарихи. Тошкент, 2010 (ўқув қўлланма).

– Б.Фарфиев. Социология. Тошкент, 2012 (дарслик, ҳаммуаллифликда).

– А.Муминов. Инсон ҳуқуқлари. Тошкент, 2010-биринчи нашр, 2013- иккинчи нашр (дарслик, ҳаммуаллифликда).

– А.Муминов. Халқаро ташкилотлар ҳуқуқи. Тошкент, 2014 (ўқув қўлланма).

– А.Бийкузиев. Қадимги Шарқ тарихи. Тошкент, 2016 (ўқув қўлланма).

– Ф.Равшанов. Миллий ғоя: Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси. Тошкент, 2017 (ўқув қўлланма).

– Ф.Равшанов. Педагогик тизимли таҳлил асослари. Тошкент, 2018 (ўқув қўлланма, ҳаммуаллифликда).

– Ж.Тошқулов. Исломда солиқ ҳуқуқи. Тошкент, 2017 (ўқув қўлланма).

– Ж.Тошқулов. Исломда жиноят ҳуқуқи. Тошкент, 2018 (ўқув қўлланма).

– Б.Фарфиев. Дин социологияси. Тошкент, 2018 (ўқув қўлланма).

– З.Мунавваров. Манбашунослик. Тошкент, 2018 (дарслик, ҳаммуаллифликда).

– А.Бийкузиев. Жаҳон тарихи. – Т.: Наврўз нашриёти, 2018 (дарслик, ҳаммуаллифликда).

– А.Мўминов. Халқаро ҳуқуқ. ТДЮУ нашриёти, 2018 (дарслик, ҳаммуаллифликда).

– А.Бийкузиев. Жаҳон тарихи (Қадимги Шарқ, Қадимги Юнонистон ва Рим тарихи). Тошкент, 2018 (ўқув қўлланма, ҳаммуаллифликда).

– А.Мўминов. Халқаро шартномалар ҳуқуқи. Тошкент, 2018 (ўқув қўлланма, ҳаммуаллифликда).

Бугунги кунда кафедра доцентлари А.Муминов ва Б.Фарфиевлар докторлик диссертацияларини яқунлаш арафасида, катта илмий ходим Қ.Якубов докторлик, катта ўқитувчилар А.Бийкузиев, З.С.Пулатходжаев, ўқитувчи Ҳ.Я.Азимов ва ўқитувчи-стажер А.М.Раджабова номзодлик диссертациялари устида ишламоқдалар.

Кафедра ички ва халқаро ҳаётнинг муҳим муносабатлари, айниқса, тегишли халқаро ҳужжатлар билан боғлиқ саналарга бағишланган конференциялар ва бошқа илмий-амалий тадбирлар ўтказиб боради. Жумладан, «БМТ халқаро ташкилотини таъсис этиш бўйича халқаро шартнома» (26.06.1945), «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» (10.12.1948), «Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция» (20.12.1952), «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт» (16.12.1966), «Ислом ҳамкорлиги ташкилоти» низоми қабул қилинган кун (21.08.1969), «Бола ҳуқуқлари конвенцияси» (20.11.1989), «Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция» (13.12.2006) ва бошқа саналарга бағишланган маҳсул тадбирлар ташкил этилади.

Кафедра Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ва Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тарих институти, Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти, айрим араб мамлакатларидаги олий ўқув муассасалари ҳамда илмий тадқиқот марказларининг тегишли бўлим ва кафедралари билан ҳамкорликни йўлга қўйишни режалаштирган. Бундай ҳамкорлик илмий лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш, ўқув қўлланмалари ва дарсликларни яратиш, маълумотлар алмашинуви каби соҳаларни қамраб олиши назарда тутилган.

Академиянинг халқаро мақомидан келиб чиқиб, унда таълим олаётган талабаларнинг халқаро ҳаётдан хабардорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Талабаларнинг жаҳон сиёсати муаммолари бўйича билимларини ошириш мақсадида доимий фаолият юритувчи «Халқаро муносабатлар» илмий-амалий семинари ташкил этилган. Келажакда унинг ижтимоий тармоқлардаги электрон версиясини ташкил этиш режалаштирилмоқда. Семинар ишида таниқли олимлар, давлат, жамоат ва дин арбоблари ҳамда амалиётчилар фаол иштирок этмоқдалар.

«ИСЛОМ ИҚТИСОДИЁТИ ВА МОЛИЯСИ, ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ» КАФЕДРАСИ

Кафедра мақсади. Дунёвий ва диний қадриятларни уйғунликда акс эттирган иқтисод, молия, зиёрат туризми, халқаро иқтисодиёт, ислом банк тизими каби соҳаларда ўқув, илмий-тадқиқот ва консалтинг хизматлари бўйича халқаро миқёсда етакчи кафедрага айланишдан иборат.

Кафедра вазифалари:

1. Дунёвий ва диний қадриятларни чуқур англаган ҳамда ислом иқтисодиёти, бухгалтерия, бизнес, молия, зиёрат туризми, халқаро иқтисодиёт, ислом банк тизими каби соҳаларни пухта эгаллаган ёш кадрлар тайёрлаш.

2. Олий таълимда ислом иқтисодиёти, бухгалтерия, бизнес, молия, зиёрат туризми, халқаро иқтисодиёт, ислом банклари каби йўналишлардаги илмий-тадқиқот ва консалтинг хизматларини бажа-ра оладиган кўникмаларни шакллантириш.

3. Ислам иқтисодиёти, бухгалтерия, бизнес, молия, зиёрат туризми, халқаро иқтисодиёт, ислом банклари каби соҳаларда ўқув, илмий-тадқиқотларни амалга ошириш малакасини ҳосил қилиш ва тайёрланган илмий материалларни чоп этишни рағбатлантириш.

Кафедрага тегишли йўналишлар ва мутахассисликлар.

Бакалаврият йўналишлари:

- Ислам иқтисодиёти ва молияси
- Туризм (зиёрат туризми)
- Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар

Магистратура мутахассисликлари:

- Ислам иқтисодиёти ва молияси
- Туризм (зиёрат туризмни ташкил этиш ва бошқариш)
- Ташқи иқтисодий фаолият (инвестицион фаолият)
- Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)

Кафедрада 20 нафар профессор-ўқитувчилар фаолият олиб бормоқда. Улардан 3 нафари фан докторлари, профессор, 8 нафари фан номзодлари, доцент ҳамда катта ўқитувчи ва ўқитувчилар. Кафедра таркиби юқори салоҳиятга, кўп йиллик педагогик тажрибага эга бўлган ва илғор хорижий университетларда таълим олган инноватор, креатив, мотиватор профессор-ўқитувчилар жамоасидан ташкил топган.

Кафедра мудири – Содиқов Зокир Рустамович, и.ф.н., доцент.

«ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ» КАФЕДРАСИ

«Замонавий ахборот коммуникация технологиялари» кафедраси 1999 йилда «Фикҳ, иқтисод ва табиий фанлар» факультети таркибида ташкил этилган. «Информатика ва ахборот технологиялари» бўйича мутахассислар тайёрлаш бугунги кунда долзарб бўлиб, битирувчилар қуйидаги:

- корхона ва ташкилотларда компьютер хизматлари кўрсатишда;
- компьютер дастурларини маҳаллийлаштириш ва ишлаб чиқиш компанияларида;
- дастурларга ва компьютерларга хизматлар кўрсатиш корхоналарида;
- илмий тадқиқот муассасаларида ҳамда бошқа давлат ва нодавлат корхоналарида фаолият юритишлари мумкин.

Информатика ва ахборот технологиялари йўналиши талабаларига юқори малакали назар-ётчи профессор-ўқитувчилар, жумладан, фан доктори, доцентлар ва фан номзодлари, шунингдек, тажрибали амалиётчилар дарс берадилар. Улар Ўзбекистондаги илмий марказлар ҳамда ўқув тармоқ педагогик муассасаларида ўз малакасини мунтазам ошириб борадилар. Ўқув жараёнида таълимнинг анъанавий услублари билан бир қаторда, ривожланган инфор-мацион технологияларга асосланган инновацион ёндашувлар, жумладан, интернет тизими орқали масофавий ўқитишнинг индивидуал ва коллектив шакллари-дан фойдаланилади.

Кафедрада 8 та асосий, 3 та ўриндош ва 1 та соатбай ўқитувчи фаолият юритмоқда.

Кафедра мудири: Ходжаева Мавлуда Саби-ровна – т.ф.н. доцент,

Нигматов Хикматулла – т.ф.д., профессор,
Турсунов Нурмамат Холматович – т.ф.н.,
Маҳкамов Анвар Абдужабборович – т.ф.ф.д. (Phd),

Кабулов Рустам Воситович – ф.м.ф.н. доц.,
Джураева Раъно Бахромбековна – катта ўқи-тувчи,

Дадамухамедов Алимжон Иргашевич – катта ўқитувчи,

Жумаев Турдали Саминжонович т.ф.ф.д. (Phd) – катта ўқитувчи,

Назарбоева Барно Асатовна – катта ўқитувчи,
Зайнидинова Гулрух Базарбаевна – ўқитув-чи-стажер,

Мухаммадиев Алишер Нуъмонхон ўғли – ўқи-тувчи-стажер,

Бозоров Азамат Аширович – ўқитувчи-стажер.
Кафедра илмий салоҳияти кўпқиррали бўлиб, илмий изланишлар уч йўналишда олиб борилади:

- Web технологияга асосланган автоматлаштирилган тизимларга параллел жараёнларни қўллаш;

- Мураккаб ва ҳали формаллаштирилмаган жараёнларни янги инфор­мацион технология асо­сида моделлаштириш;

- Компьютерли мулоқот тизимлари (электрон дарсликлар, виртуал кутубхона, масофавий ўқитиш, электрон дастурлар)ни ташкил этиш ва амалиётга тадбиқ қилиш.

Кафедра шу йўналишлар бўйича илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни режалаштирган.

Кадрлар тайёрлаш (номзодлик ва докторлик диссертацияларини тайёрлаш):

Илмий тадқиқотларга бакалавр йўналишидаги иқтидорли ёшларни жалб этиш (мунтазам равишда);

Чет эл билан алоқаларни мустаҳкамлаш (Миср, Корея ва Ҳиндистон);

Кафедра базасида қўшимча тўғарақлар ташкил этиш;

- Ахборот техник таъминот маркази структурасини қайта ишлаб чиқиш, марказ таркибида янги штатлар очиб, ёш иқтидорли мутахассисларни жалб қилиш;

- Академиянинг интернет тармоғини яхшилаш, барча бўлим ва кафедралар компьютерларини локал тармоққа on-line режимида улаш;

- Академияда ўқитиладиган барча фанларни ялпи тест синовига ўтказиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқиш;

- Кафедра сайтини яратиш ва кафедра сайтидан фойдаланган ҳолда масофавий ўқитиш технологиясини жорий этиш.

Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан «Информатика ва ахборот технологиялари» йўналиши бўйича мутахассислик ва ихтисослик фанлари ўқитилади. Улар:

- Компьютер графикаси ва дизайн;
- Дастурлаш технологиялари;
- JAVA дастурлаш тили;
- JAVA тилида объектга йўналтирилган дастурлаш;

- Маълумотлар коммуникацияси;
- Маълумотлар базасини бошқариш тизимлари;

- Рақамли мантиқий қурилмаларни лойиҳалаштириш;

- Дастурий ишланмаларни яратиш босқичлари ва уларни ҳужжатлаштириш;

- Компьютер архитектураси;
- Дастурлаш тамойиллари;
- C++ да дастурлаш;
- Тизимли моделлаштириш ва лойиҳалаш асослари;

- Web иловаларни ишлаб чиқиш;
- Операцион тизимлар;
- Компьютер тармоқлари;
- Ахборот хавфсизлиги;
- Тизимли дастурий таъминот;
- Маълумотлар тузилмаси;
- Объектга йўналтирилган дастурлаш тиллари.

ри.

Кафедра қуйидаги ҳамкор ташкилотлар билан узвий алоқада:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси «Ахборот ҳисоблаш маркази»;

- «FIDO –BIZNES» МЧЖ;

- Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълимини ривожлантириш маркази;

- Ўзбекистон халқаро ислом академияси «Ислом цивилизациясини ўрганиш ISESCO» кафедраси;

- Ўзбекистон Республикаси алоқа ва ахборотлаштириш давлат қўмитаси қошидаги алоқа тарихи музейи;

- Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси;

- «Юнусобод компьютер технологиялари» КХК;

- Ўзтелеком АК Транспорт магистралли тармоқларини эксплуатация қилиш маркази;

- Ўзбекистон халқаро ислом академияси қошидаги академик лицей.

Ўқув жараёнини такомиллаштириш бўйича

1. Ижтимоий-гуманитар ва маънавий-маърифий соҳаларда: миллий қадриятларни тиклаш, аждодлар меросларини илмий тадқиқ қилиш, соф ислом динининг асосий тамойилларини кенг жамоатчиликка асл ҳолда етказиш, замонавий ёшларни бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилган ҳолда тарбиялашда ислом динининг ўрнини тўғри белгилаб бериш, тинчлик ва тотувликда яшаш, динлараро бағрикенглик, ватанга ва қадриятларга муҳаббат каби туйғуларни шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси олиб бораётган давлат сиёсатини аҳолининг барча қатламларига тезкор сингдиришда замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, интернет ва юқори технологиялардан самарали фойдалана оладиган ва қўллай биладиган мутахассислар тайёрлаш.

2. Замонавий ахборот ва юқори технологияларни ижтимоий-гуманитар ва диний-маърифий, исломшунослик йўналишидаги тадқиқотларга кенг қўллашни ўргатиш.

3. Қадимий ва нодир манбаларга электрон ишлов бериш. Уларнинг электрон базасини яратиш. Ушбу манбалардаги алломалар фикрларини замонавий мультимедия, интернет, Web, мобиль ва бошқа технологиялар ёрдамида кенг жамоатчилик оmmasига тушунарли ҳолда етказиб бериш.

4. Нодир ва ноёб қўлёзмаларни асраб-авайлаган ҳолда электрон нусхаларини олиш. Бу нусхаларни тадқиқотчи, изланувчи ва кенг халқ оmmasига электрон манба сифатида етказиб бериш. Бу ишларни амалга оширадиган махсус илмий-амалий лабораторияни ташкил қилиш. Лабораторияни махсус жиҳозлар билан жиҳозлаб, тадқиқотчи ва талабаларни улардан самарали фойдаланишга ўргатиш.

«ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР» КАФЕДРАСИ

Кафедра тарихи

«Ижтимоий-гуманитар фанлар» кафедраси Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг 2018 йил 3 августдаги 01-317-сонли буйруғига кўра «Ислом иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар» факультети таркибида «Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ» кафедраси негизида ташкил этилди.

1999 йилда Тошкент ислом университетининг «Ислом ҳуқуқи» кафедраси ташкил топган. Ушбу кафедра негизида 2013 йилда «Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ» кафедраси ташкил этилган.

«Ислом ҳуқуқи» ва «Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ» кафедрасида Ўзбекистоннинг таниқли олимлари: ю.ф.д., профессорлар А.Жузжоний, А.Саидов, Ж.Тошқулов, М.Раджабова, Қ.Абдурасулова, М.Аҳмадшаева, Ф.Мухитдинова, М.Усмонова, С.Ҳамраев, А.Нигматов, ю.ф.н., доцентлар: О.Каримова, А.Тохтахунов, Л.Исҳокова, Х.Мухаммедов, Ҳ.Туйчиева, Ш.Авазова, З.Бегматова, Н.Юсуповалар фаолият олиб борганлар.

«Ислом ҳуқуқи» кафедрасига раҳбарлик қилган кафедра мудирлари:

1999–2008 йилларда – ю.ф.д., профессор А.Жузжоний

2008–2010 йилларда – ю.ф.н., доцент Ҳ.Туйчиева

2011–2015 йилларда – ю.ф.д., профессор Ж.Тошқулов

2016 йилдан бугунги кунгача ю.ф.н., доцент Ҳ.Туйчиева раҳбарлик қилиб келмоқда.

«Ислом ҳуқуқи» кафедрасида йўналиш ва мутахассислик бўйича бакалавр ва магистрлар битириб чиққанлар. Улар бугунги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида, давлат бошқарув органларида, олий таълим муассасаларида, маҳаллий ҳокимият органларида ҳамда давлатнинг вакиллик органларида раҳбар ва мутахассис сифатида фаолият олиб бормоқдалар.

«Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ» таълим йўналишини 2017, 2018-йилларда 48 та бакалавр битирган. Ушбу йўналиш битирувчилари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизими, умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, «Маънавият ва маърифат» Кенгаши, Республика «Оила» илмий-амалий маркази ва бошқа органларда фаолият олиб бормоқдалар.

Кафедранинг бугунги кундаги фаолияти

«Ижтимоий-гуманитар фанлар» кафедраси бугунги кунда ёшларнинг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий фаоллигини ошириш, уларни ёт ғоявий ва мафкуравий хуружлар таъсиридан ҳимоя қилиш, ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалашга қаратилган фаолиятни амалга оширмоқда.

Ёшларни турли хил таҳдидларга қарши тура оладиган билимдон, зукко, рақобатбардош бўлишларига эришиш мақсадида кафедра ўқув, услубий, илмий ва «Устоз-шогирд» ишларини ташкил этади.

Кафедранинг ўқув ишлари ДТС ва малака талабалари, ўқув режасида белгиланган меъёрлар асосида ташкил этилган. Унинг услубий ишлари замонавий педагогик технологиялар, интерфаол усулларда талабаларга билим беришга қаратилган.

Кафедранинг илмий йўналиши ҳозирги даврда давлат ва жамият бошқарувида жамиятнинг моҳиятини, тузилишини, қонуниятларини билиш, уларга таянган ҳолда ташкил этиш, ўзаро мувофиқлаштириш, жамиятни янгилаш, унда оила ва маҳалланинг тутган ўрни, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши, жамиятни модернизация ва ислоҳ қилиш, жамоатчилик билан алоқалар сингари масалалар билан боғлиқ муаммоларни илмий-назарий тадқиқ этишдан иборат. Шунингдек, демократик жамиятда ижтимоий-гуманитар фанлар интеграцияси асосида ёшларни сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий жиҳатдан баркамол инсон қилиб тарбиялашни илмий-назарий тадқиқ этиш масалаларини ҳам ўз ичига олади.

Кафедранинг «Устоз-шогирд» ишлари талабалар билан маънавий-маърифий, тарбиявий тадбирлар ташкил этиш асосида мустақил фикрловчи, билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялашга қаратилган.

Кафедрада 3 нафар фан доктори, 10 нафар фан номзоди, 3 нафар катта ўқитувчи, 1 нафар ўқитувчи фаолият олиб бормоқда. Кафедра мудир – Туйчиева Ҳамида Набиевна, юридик фанлар номзоди, доцент, кафедра профессорлари: т.ф.д., проф. Агзамходжаев Саидакбар Саидович, т.ф.д. Аширов Адҳам Азимбоевич, кафедра доцентлари: Қаҳҳарова Матлуба Мафавна, ю.ф.н. Юсупова Нигора Жалолиддин қизи, с.ф.н. Акмалов Шоислом Икромович, ф.ф.н. Валиев Батир Насирович, ф.ф.н. Мухаммадиева Ойниса Мустафакуловна, Бозоров Дилмурод Мирзарасулович, Абдуназаров Ўктам Кобилжонович, кафедра катта ўқитувчилари: Ташанов Абдухалиқ Дайнович, Нурходжаев Анвар Кораходжаевич, Собиров Нуритдин Тошпўлатович, Сулейманова Альфия Кариновна, Рашидов Фируз, Бозорова Феруза, Султонов Аслиддин Фазлиддинович, Хикматов Фатхулла Хабибуллаевич, Мансуров Абдулла Сайфуллаевич, кафедра ўқитувчилари: Шакаров Ўктам Бердибоевич, Мамазова Зарифа Курбановна.

Кафедрада ўқитиладиган фанлар:

1. Илмий-тадқиқот методологияси
2. Ўзбекистон тарихи
3. Фалсафа
4. Жисмоний тарбия ва спорт
5. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги
6. Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси
7. Фуқаролик жамияти
8. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти
9. Дин фалсафаси
10. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш
11. Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар
12. Маъмурий ҳуқуқ
13. Меҳнат ҳуқуқи
14. Миллий тараққиётнинг ғоявий асослари
15. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ фанларини ўқитиш методикаси
16. Ижтимоий фалсафа
17. Миллий ғоя тарғиботи технологиялари
18. Маънавият асослари
19. Этномаданият
20. Жаҳон сиёсий, мафкуравий таълимотлар тарихи

21. Ҳуқуқий тарбия назарияси ва амалиёти
22. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ фанларини ўқитиш технологияси ва лойиҳалаштириш
23. Таълим тизимини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари
24. Маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш методикаси
25. Тадбиркорлик ҳуқуқи
26. Ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий тарбия
27. Ҳуқуқий таълимотлар тарихи каби умумкасбий ва ихтисослик фанлари ўқитилмоқда.

«МУМТОЗ ШАРҚ АДАБИЁТИ ВА МАНБАШУНОСЛИК» КАФЕДРАСИ

Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг «Мумтоз шарқ филологияси» факультети таркибида бўлган «Мумтоз шарқ адабиёти ва манбашунослик» кафедраси филология ва тилларни ўқитиш, Шарқ мумтоз тиллари: араб, форс ва турк тилларини ўргатиш бўйича фаолият олиб боради.

Таълим йўналишининг хусусиятидан келиб чиқиб, ўқув режасида Шарқ тиллари, Шарқ мумтоз адабиёти ва адабий манбашуносликка, шунингдек, мутахассис тайёрлаш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда кўпроқ мумтоз матнлар билан ишлашга эътибор кучайтирилган.

Таълим йўналишида араб тили билан ёнма-ён форс ва эски ўзбек тили ҳам ўқитилади. Ўқув режасида бу уч тилга бирдай эътибор қаратилгани бежиз эмас. Илк ва ўрта асрлардан ҳозирги кунимизгача сақланиб қолган ёзма мероснинг катта қисми ана шу тилларда. Академиянинг битирувчилари ҳам ана шу ёзма манбалар бўйича етук малакага эга бўладилар. Мумтоз араб адабиёти тарихи ва адабиётшунослиги, Шарқ адабиётидаги жанрлар типологиясига урғу қаратилади.

Магистратура мутахассислиги бакалаврлик таълим негизига таянган бўлиб, унда олинган билимлар илмий-назарий жиҳатдан такомиллаштирилади. Бунинг билан олий таълим тизимидаги, мутахассис тайёрлашдаги узвийлик таъминланади.

Магистратура дарсларининг катта бир қисми араб, форс ва эски туркий тиллардаги қўлёзма манбаларни ўқиб ўрганиш, уларни филологик жиҳатдан таҳлил қилиш, матн ва унинг мазмуний интерпретациясига бағишланган.

Академияда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашга ҳам катта эътибор қа-

ратилмоқда. Академия қошида Шарқ мумтоз филологияси йўналиши бўйича таянч докторантура очилди. Бундан ташқари, мустақил изланувчилар таркиби ҳам шакллантирилди. Бу соҳага, айниқса, кенг фикрли, билимли, араб тилини чуқур эгаллаган ёшларнинг кириб келаётгани қувонарли ҳол.

Кафедрада бакалавр босқичида «Асосий шарқ тили», «Хорижий тил», «Ўзбек мумтоз адабиёти», «Тилшунослик», «Адабиётшунослик», «Мутахассисликка кириш», «Мумтоз матн стилистикаси», «Палеография», «Араб ва форс бадий матнларининг лингвистик таҳлили», «Тарихий лексикография», «Араб ва форс мумтоз адабиёти», «Навоийшунослик», «Тил ва адабиёт ўқитиш методикаси», «Нутқ маданияти», «Илмий иш асослари» (аннотация, рефератлаш, интерпретация), «Эски туркий ёзувлар», «Аруз илми», «Амалий таржимашунослик», «Қўлёзма ўқиш амалиёти», «Каллиграфия» йўналишларида таълим берилса, магистратура босқичида «Мутахассисликнинг назарий масалалари», «Ёзма ёдгорликлар тили», «Шарқ мумтоз адабиётшунослиги», «Илк ўрта асрлар шарқ тилларининг назарий асослари», «Мумтоз бадий матн стилистикаси», «Шарқ матншунослиги», «Ислом манбашунослигининг илмий-назарий асослари», «Шарқ тилининг назарий грамматикаси», «Шарқ мумтоз поэтикаси», «Илмий иш яратиш йўллари», «Махсус фанларни ўқитиш методикаси» йўналишларида таълим берилади.

Кафедрада фаолият юритувчи ўн олти нафар педагог ходимлардан беш нафари фан доктори, профессор, тўрт нафари фан номзоди, доцент.

Кафедра мудири – Насирова Малика Анваровна, филология фанлари номзоди, доцент. Дарслик, ўқув қўлланма, монография (умумий сони 10 та) ва 70 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи.

«ШАРҚ ФИЛОЛОГИЯСИ» КАФЕДРАСИ

«Шарқ филологияси» кафедраси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5416-сон Фармони ижросини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 июндаги «Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятини ташкил этиш ва қўлаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 466-сонли Қарори ҳамда Ўзбекистон халқаро ис-

лом академияси ректорининг 2018 йил 3 августдаги 01-317-сон буйруғи билан «Мумтоз шарқ филологияси» факультети таркибида ташкил этилган.

Кафедра мудири – тарих фанлари номзоди, доцент Зухра Арипова.

Кафедрада фил.ф.н., доцент Абдулхай Абдуллаев, т.ф.н. Розия Матибаева, т.ф.н. Зулфия Шокирова, т.ф.н. Ю.Исмоилова, п.ф.н. Илс Мирзиётов, катта ўқитувчилар: Бахтиёр Ибрагимов, Омон Мусаев, Шухрат Исмоилов, Агзам Маъмуров, Юсупжон Содиқов, Нигора Мулласодиқова, Акбар Казакбаев, Баҳодир Пирмухамедов, ўқитувчилар: Санжар Дўсматов, Ҳожиакбар Нуриддинов, Ҳусайн Хидралиев, Азиз Исомутдинов, Ёрқинжон Шукуров, Баҳром Даминов, Баҳромхўжа Махамадходжаев, стажер-ўқитувчилар: Машҳура Қодирова, Абдурашид Асқаров, Абдуманноп Исматуллаев фаолият олиб борадилар. Шунингдек, Миср Араб Республикаси Қоҳира университети доктори Убайд Муҳаммад Абдужаввал ҳам талабаларга билим бериб келмоқда.

Кафедрада «Араб тили», «Шарқ тиллари (араб)», «Асосий чет тили (араб)», «Иккинчи чет тили (араб)», «Мутахассисликка кириш», «Тилнинг ривожланиш тарихи» каби фанлардан таълим берилади.

Охирги ўқув йилларида кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан «Араб тили», «Араб тили дарслиги» номли дарслик, «Ўзбекистон – Ўмон султонлиги: ўзаро яқинлик, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик» (араб ва ўзбек тилларида), «Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари: ўзаро яқинлик, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик» (араб ва ўзбек тилларида) китоблари, «Низомий ва Қутб «Хусрав ва Ширин» дostonларининг қиёсий таҳлили», «Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» асари лексикаси», «XIII асрнинг биринчи ярми XIX асрнинг биринчи ярми ўзбек ёзма ёдгорликлари лексикаси» монографиялари, «Илк ислом давридаги исмлар ва тушунчалар қисқача изоҳли луғати», «Арабча-ўзбекча чўнтак тилмочи», «Араб тилидан ўқув луғати», «100 дан ортиқ мавзуда арабча сўзлашув китоби», «Маънавият луғати», «Араб тилидан бошланғич курслар учун фонетик диктант тўплами», «Информатика ва ахборот технологиялари йўналиши талабаларига ўқув-услубий қўлланма», «Араб тилидан классик матнлар», «Араб тили. Уни яхши ўрганмоқчи бўлсангиз» ўқув-услубий қўлланмалари, «Жаҳолат хуружи», «Ахлоқий ҳикоялар», «Илк ислом тарихи (570–661)нинг

замонавий талқини» рисоалари, «Ўзбек миллий таомлари» (араб тилида), «Тошкент – ислом маданияти пойтахти» (араб тилида), «Буюк алломаларимиз», «Форс тилида матнлар тўплами», «Ўзбек мумтоз адабиёти», «Ўзбек тили (рус гуруҳлари учун)», «Иқтисодий матнлар тўплами», «Нахвда 100 та омил», «Исламское богословие», «Психология йўналиши талабаларига араб тилини ўқитиш бўйича ўқув қўлланма», «Форс тили», «Шарқ тиллари» (араб), «Араб тили», «Кичик синфлар учун араб тили» ўқув қўлланмалари нашр этилди.

Кафедра катта ўқитувчиси Б.Ибрагимов, И.Охунов, М.Хўжаевлар томонидан нашр этилган «Араб тили дарслиги» «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» республика танловининг ғолиби бўлган, Олий ва ўрта махсус, халқ таълими вазирликлари ҳамда «Истеъдод» жамғармасининг 1-даражали дипломи билан ҳамда катта ўқитувчи Б.Ибрагимовнинг «Ўзбекистон ва Ўмон султонлиги» ўқув қўлланмаси «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» республика танловининг 3-даражали дипломи билан тақдирланган.

Кафедра аъзолари мунтазам равишда турли мавзуларда илмий изланишлар олиб бордилар, жумладан, ўтган йиллар давомида кафедра аъзоларидан Э.Талабов «Араб шеъриятида аруз тизими» мавзuida докторлик диссертацияси, З.Арипова «Миср мамлук султонлиги ва унда ислом динининг тутган ўрни», И.Мирзиётов «Бошланғич синф ўқувчиларида соғлом эътиқодни шакллантириш», А.Бойназарова «Ислом фалсафасида дунёвий ва диний илмлар уйғунлиги», Р.Матибаева «Манақиб Абу Ҳанифа – ҳанафийлик мазҳабидаги нодир манба», З.Шокирова «Илк исломда сулҳпарварлик тамойилларининг тарихий-қийсий таҳлили», К.Комилов «Глобаллашув шароитида диний соҳа ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари» мавзуларидаги номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилишди.

Кафедра катта ўқитувчиси Б.Ибрагимов «Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги» кўкрак нишони, 2011 йилда «Дўстлик» ордени, т.ф.н. Р.Матибаева 2011 йилда «Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги» кўкрак нишони, 2016 йилда «Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллиги» кўкрак нишони билан тақдирланишган. 2016 йилда кафедра катта ўқитувчиси, т.ф.н. Р.Матибаева «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг энг намунали бошланғич ташкилоти» кўрик-танловининг Респуб-

лика босқичи ғолиби бўлиб, 1-даражали диплом билан мукофотланди. Кафедранинг бир неча профессор-ўқитувчилари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланишган.

Кафедра профессор-ўқитувчилари Миср Араб Республикасида ҳамда республикамизда мунтазам равишда малакаларини ошириб келмоқдалар. Кафедра Тошкент давлат шарқшунослик институти, Тошкент ислом институти, араб давлатларидаги олий ўқув юртлари билан ўқув-услубий ишларда ўзаро ҳамкорлик қилади. Кафедра Миср, Кувайт, Саудия Арабистони, БАА, Эрон каби давлатларнинг ваколатхоналари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган.

«ДИН ПСИХОЛОГИЯСИ ВА ПЕДАГОГИКА» КАФЕДРАСИ

«Дин психологияси ва педагогика» кафедраси ОЎМТВ ҳайъатининг 2011 йил 14 майдаги 3/2-сонли қарорига биноан, Университет илмий кенгашининг 2011 йил 29 ноябрдаги қарори (4-сонли баённома)сига мувофиқ ташкил этилган. 2018 йил апрель ойида Тошкент ислом университети негизида Ўзбекистон халқаро ислом академияси ташкил этилди. Шу муносабат билан «Психология ва фалсафий фанлар» кафедраси «Дин психологияси ва педагогика» кафедрасига ўзгартирилди.

«Дин психологияси ва педагогика» кафедрасида **5210200** – Психология (дин социопсихологияси) таълим йўналиши бўйича замонавий бакалавр мутахассислар тайёрланади. Талабаларга дарс беришда намунавий ўқув режа ва дастурлар асосида кафедранинг ишчи ўқув режаси ва барча фанлар бўйича ишчи ўқув дастурлари кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан жорий йилдан ишлаб чиқилди. Ишчи ўқув режа ва ишчи дастурларни тайёрлашда академиянинг ўзига хос жиҳатлари ҳисобга олинган. 21 фандан ўқув услубий мажмуалар тайёрланган ва улар кафедра мутахассислари муҳокамасидан ўтказилган. Талабаларда давлат таълим стандартлари талаблари асосида белгиланган билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланишига эътибор қаратилади. Бу борада Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Ломоносов номидаги Москва Давлат Университетининг Тошкент филиали билан доимий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу ҳамкорлик илмий изланишлар натижаларини конференция ва

семинарларда муҳокама қилиш, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмаларни ҳамкорликда яратиш, кафедра педагогларининг малакасини ошириш масалаларига йўналтирилган.

Кафедра фаолиятининг устувор йўналиши Ўзбекистон халқаро ислом академиясидаги мавжуд кафедралар билан ахборот алмашувини ташкил этиш; мутахассисликка оид фанлар бўйича электрон дарсликлар ҳамда ўқув услубий мажмуалар яратиш; ўқув машғулотларини янги педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш асосида ташкил этиш; интернет технологиялари бўйича малакаларини ошириш; талабаларни мақсадли йўналтириш; иқтидорли талабаларни аниқлаш ва уларни кафедра томонидан олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларига йўналтириш; кафедра профессор-ўқитувчилари салоҳиятини ошириш; Психология фани бўйича Республика ва халқаро анжуманларда, нафақат профессор-ўқитувчилар, балки иқтидорли талабалар иштирокини таъминлаш; ҳар бир педагогнинг интерфаол методлар асосида очиқ дарслар ўтказишини ташкил қилиш; кафедрада ўқитиладиган барча фанлар бўйича ўқув-услубий мажмуаларнинг маълумотлар базасини яратиш; академияда ўқитиладиган барча фанларни ялпи тест синовига ўтказиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқиш кабиларга йўналтирилган. Кафедра фаолиятини тақомиллаштиришнинг 2018–2022 йилларга мўлжалланган «Йўл харитаси» ишлаб чиқилган.

Кафедрада профессор-ўқитувчилар ва ходимлар 16 кишидан иборат. Шулардан 2 та профессор, 3 та доцент, 1 та катта ўқитувчи, 1 та ўқитувчи ва 4 та стажёр-ўқитувчиларни ташкил этади.

Кафедра мудири: Мирқосимова Марғуба Мирқобиловна 31.01.1960 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Педагогика фанлари доктори, профессор.

Умаров Баҳриддин Менгбоевич 18.08.1961 йил Сурхондарё вилояти, Денов туманида туғилган. Психология фанлари доктори, профессор.

Кабинет мудири: Алимова Умида Рахматиллаевна 28.04.1990 йил Тошкент шаҳрида туғилган.

«Дин психологияси ва педагогика» кафедрасида бакалавр ва магистр талабалар учун қирқдан зиёд фанлар ўқитилади.

Бакалаврлар учун: «Умумий психология», «Умумий педагогика», «Педагогика ва психология», «Экспериментал психология ва практикум», «Психологик тадқиқотларда натижаларни қайта ишлашнинг методлари ва технологияси», «Умумий

психодиагностика», «Ёш даврлар ва ривожланиш психологияси», «Психология методологияси», «Социал психология», «Консультатив психология ва психокоррекция», «Ёш физиологияси ва гигиена», «Юридик психология».

Магистрлар учун: «Илмий тадқиқот методологияси», «Дин психологияси феноменлари», «Экстремал вазиятлар психологияси», «XXI аср психологияси», «Тасаввуф ва психология», «Тестология», «Суицидология», «Психологик хавфсизлик асослари», «Пенитенциар психология», «Махсус фанларни ўқитиш методикаси».

«ЧЕТ ТИЛЛАРИ» КАФЕДРАСИ

«Чет тиллари» кафедраси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги «Ўзбекистон халқаро ислом академиясини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонида биноан ташкил этилган Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг «Мумтоз шарқ филологияси» факультети таркибига киради.

Кафедранинг мақсад ва вазифалари. Ўзбекистонни юксак ривожланган демократик мамлакатлар даражасида илмий-техникавий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланиш билан таъминлай оладиган, юксак маънавий, маданий ва ахлоқий фазилатларга эга бўлган юқори малакали рақобатбардош кадрлар етиштириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги «Чет тиллар бўйича таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар» тўғрисидаги 124-сонли қарорлари ҳамда Европа Кенгашининг «Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш» тўғрисидаги умумэътироф этилган халқаро меъёрлари (CEFR – Common European Framework of Reference) республикамиз таълим соҳасига жорий қилинди. Ушбу қарор ва меъёрларнинг ижроси кафедранинг асосий мақсад ва вазифаларига киради. Шунингдек, кафедра талабалар ва бўлажак тадқиқотчи-магистрларга хорижий тилларни самарали ўргатишни ҳамда уларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашни мақсад қилган.

«Чет тиллари» кафедрасининг асосий вазифалари:

- давлат таълим стандартларига мувофиқ илгор, замонавий таълим ва касб-ҳунар дастурлари асосида юқори самарали ўқитишни ташкил қилиш ва малакали кадрлар етиштиришни таъминлаш;

- мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ривожланиши истиқболлари, жамият талабларига биноан фан, техника, илгор технология, иқтисодиёт ва маданиятнинг замонавий ютуқлари асосида ўқитишни ташкил қилиш ва унинг услубларини мунтазам такомиллаштириш;

- ёшларни миллий тикланиш мафкураси ва умуминсоний қадриятларни билиш асосида, мустақиллик ғоялари, Ватан, оила, табиатга меҳр ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш;

- таълим, фан ва ишлаб чиқариш бирлашувининг амалий тизимларини ишлаб чиқиш ва амалиётга киритиш;

- илмий-педагогик кадрлар ва талабаларнинг илмий тадқиқотлари ва ижодий фаолиятлари орқали фан, техника ва технологияни ривожлантириш;

- чет тиллари таълими соҳасида юксак ривожланган мамлакатлар билан ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш.

Кафедра таркиби. Кафедра мудир, катта ўқитувчилар М.Мусамухамедова, Б.Шамсематова, К.Арипова, К.Шаниязов, ўқитувчилар К.Маҳкамова, Ф.Ходжакулова, О.Анорбоев, М.Таджибаева, Б.Тўракулова, Н.Рахмонова инглиз тилидан, З.Газиева, В.Мякота, С.Джалолова ва Л.Фёдоровалар рус тилидан дарс берадилар. Кабинет мудираси М.Тилавова кафедра фаолиятига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Кафедра фаолияти ва изланишлар. Кафедра ўқитувчилари академиянинг барча факультетлари талабаларига инглиз ва рус тилларидан дарс берадилар. Мазкур тилларда исломшунослик ва диншуносликка оид илмий манбаларни тадқиқ қилишга тайёрлаш, мамлакатлараро мулоқот жараёнига ҳисса қўшиш, илмий-маънавий алмашинув самардорлигини ошириш кафедра фаолиятининг асосий мазмунини ташкил қилади.

Кафедра аъзолари томонидан тайёрланган куйидаги илмий-услубий ишлар нашрдан чиқарилган: инглизча-ўзбекча луғат, «English for beginners» («Бошланғичлар учун инглиз тили»), «Our Ancestors» («Бизнинг аجدодларимиз»), «English for lucky learners» («Зукколар учун инглиз тили»)

қўлланмаси, «101 ҳадис» услубий қўлланмаси, «Инглизча-ўзбекча диний-ижтимоий истелоҳлар луғати» нашр қилинган. Аксарияти ёш мутахассислардан иборат бўлган кафедра аъзолари ўзларининг илмий-услубий маҳоратларини муттасил ошириб бормоқдалар.

«Чет тиллари» кафедраси фаолиятининг асослари. Ўзбекистон халқаро ислом академиясида ташкил этилган «Чет тиллари» кафедраси умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими негизидаги узлуксиз таълим тизимининг мустақил тури сифатида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»га мувофиқ ўз фаолиятини амалга оширади.

